



ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 ноябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 12-13 ноябрь кунлари вилоятда бўлиб, шу борадаги вазифаларни белгилаб берган эди. Ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга туртки бериш мақсадида марказий идоралар, жумладан, вазирлик ва тижорат банклари раҳбарлари бириктирилиб, зарур ресурслар ажратилди. 2021 йил Қашқадарёда “Тадбиркорликни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. 10 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш мақсад қилиб қўйилди.

Йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг “Ўсиш нуқталари”га асосланиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни миқозбай ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Яккабўғ, Қамаш, Чироқчи, Шахрисабз ҳамда Китоб туманларида 20 минг гектарда интенсив боғ ва узумзорлар яратиш орқали вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасини 25 фоизга етказиш мумкин.

Шахрисабз шаҳри, Нишон, Деҳқонобод, Яккабўғ, Миришкор, Ғузор, Шахрисабз, Муборак туманларида ташкил этиладиган 11 та кичик саноат зонасида лойиҳаларни жойлаштириш ва инфратузилмага улаш кераклиги қайд этилди.

2021 йилда тижорат банклари кредитлари асосида хизмат кўрсатиш соҳасида 650 миллиард сўмлик 500 та янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари келгуси икки йилга мўлжалланган 1 минг 153 та инвестиция лойиҳасининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Бунда қарийб 1 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, 19 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Мутасаддиларга саноат паст даражада ривожланган туманлар учун қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш, мавжуд захираларни самарали ишга солиш вазифаси қўйилди.

“Темир дафтар”га киритилган оила-ларни камбағалликдан чиқариш чоралари муҳокама қилинди. Кичик бизнесни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентнинг вилоятга сафари чоғида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган 81 минг гектар ерни ўзлаштириш, 63 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш белгиланган эди.

Қарши, Қамаш ва Косон туманларида 1 200 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар, Деҳқонобод тумани ҳамда вилоятнинг тоғолди ҳудудларида писта ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил қилиш зарурлиги айтилганди.

Йиғилишда шу борадаги ташкилий ва молиявий ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобиль йўлларини таъмирлашга оид масалалар кўриб чиқилди. Турар жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда муҳтож аҳоли учун 5 қаватли энергия тежамкор уйлар қуриш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 2021 йилги Инвестиция дастури доирасида қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши

қайд этилди. Ушбу маблағлар ҳисобида 88 та мактабда қўшимча иморат қурилади, 100 тадан кўпроги эса тўлиқ жиҳозланади, паҳса деворли филиаллар ўрнига янги бинолар барпо этилади.

Йиғилишда Қарши шаҳридаги 42-мактаб, шунингдек, туман марказларидаги биттадан шундай муассаса негизида ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида бошланган ислохотларни самарали ташкил этиш, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш долзарб масала экани таъкидланди.

Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровга вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари билан бирга Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш, тадбиркорларга кўмаклашиш, камбағалликни қисқартириш масалалари ижросини назоратга олиш топширилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳар бир инвестиция лойиҳасининг ҳолатини жойига чиқиб, танқидий таҳлил қилиш, муаммоларни самарали ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари топшириқлар ижроси натижадорлиги юзасидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот бериб бориши белгиланди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар мутасаддилари лойиҳаларни бажаришга қаратилган режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудларида доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга доир илмий тадқиқотларнинг ягона базасини яратиш, хорижий давлатларнинг илғор илмий ишланмаларини ўрганиб бориш, етакчи илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар, илмий ишланмаларни республикага жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтириш мақсадида:

1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академиясининг **“Шифобахш”** доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази (кейинги ўринларда — Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги қарар қабул қилинган.
2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

доривор ўсимликларни илмий асосда етиштириш ва қайта ишлаш, улардан оқилона фойдаланишнинг ягона стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш;

республика ҳудудидаги ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар ареалларини ўрганиш ва захираларини аниқлаш, мавжуд биоресурслар генофондини сақлаш, оналик плантацияларини ташкил этиш;

уруғлик материалларини етиштириш ва тайёрлаш, қўлайтириш, коллекцион қўчатхоналар ташкил этиш ҳамда уларнинг хомашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш; доривор ўсимликларни муайян тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда маданий ҳолда етиштиришни йўлга қўйиш бўйича аниқ илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, маданий ҳолда етиштирилаётган доривор ўсимликларнинг агротехнологик харажатларини қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси буюртмасига кўра ишлаб чиқиш;

доривор ўсимликлар кимёвий таркибини ўрганиш, маҳсулотини стандартлаш ва сертификатлаш; доривор ўсимликларга бўлган ички ва ташқи бозорлар талабини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

доривор ўсимликлар етиштирувчи ва қайта ишловчи фермер хўжаликлари, ташкилотлар ва бошқа субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини ошириб боришга йўналтирилган дастурларни тайёрлаш ва ўқитиш тизимини ташкил этиш.

3. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги Марказнинг ўрмон фонди ерларида намунавий плантациялар, лабораториялар барпо этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш мақсадида хусусий секторни жалб этган ҳолда **доривор ўсимликларни етиштириш ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

Давоми 2-бетда

Сайёр қабул

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

Жойларга чиқиб очиқ мулоқот орқали фуқароларимизни беvosита эшитиш ва уларнинг дардини тинглаш, муаммоларини дарҳол ва ижобий ҳал этиш ҳар бир давлат органи олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Кейинги йилларда шу мақсад йўлида республикаимизда жадал ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳридаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида Президент Администрацияси, пойтахт туманлари сектор раҳбарлари ва Халқ қабулхонаси томонидан оммавий сайёр қабуллар ўтказилди. Унда фуқаролар мурожаатлари сектор раҳбарлари томонидан қабул қилиниб, шикоятлари тингланди. Ҳар бир мурожаат тегишлилиги бўйича расмийлаштирилди.

Давоми 3-бетда

Интервью

ҚАШҚАДАРЁ ЭЛИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Қашқадарё эли — тадбиркор. Фақат уларга имконият, шароит яратиб берилса бас. Ишнинг кўзини билади, замон талабини сезади. Бу жиҳатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарёга ташрифи доирасида ҳам алоҳида таъкидланган, тегишли кўрсатмалар берилган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йил Қашқадарёда “Тадбиркорликни ривожлантириш йили” деб эълон қилинганди. Президентимиз раислигида кунни кеча Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масала такрор муҳокама қилинди.



Жамшид ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари,
иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазир:

— Президентимизнинг яқинда Қашқадарёга ташрифи замирида тарихий маъно, мақсад мужассам. Чунки, вилоятга жуда катта маблағ йўналтирилмоқда. Биргина бюджет маблағлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган йилларга нисбатан келгуси йили қурилиш, инфраструктура янгилаш учун 1,5 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Бунда асосий эътибор ижтимоий соҳага қаратилади. Қашқадарёда мактаблар масаласида муаммолар кўп учрайди. Шу боис, мактаблар учун 2021 йил давлат бюджети ҳисобидан 250 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам кун тартибидagi долзарб масала. Бунинг учун субсидиялар ажратилади.

Давоми 2-бетда

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жамият ўз тараққиёт йўлини белгилаб, узоқ манзилни кўзлаб олдинга қараб интилар экан, халқ хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Асосий қонунга таяниб мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Конституциямизда ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқлари, ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ҳамда миллий урф-одатлари, анъаналари эътироф этилганлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, аждодларимизнинг давлатни боқариш, мамлакат яхлитлигини таъминлаш борасидаги йўл-йўриқлари, давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари, тажрибалари Асосий қонунимизнинг мезони қилиб олинганлиги диққатга сазовордир.

Конституцияда давлат ўз фаолиятини амалга оширишда халқ манфаатлари ҳамда жамият фаро-

вонлигини юксалтиришни мақсад қилиб уни амалга ошириши эътироф этилган. Жамият ва халқ манфаатларининг уйғунлашуви республикаимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлайди. Уларнинг яқдил қарашлари мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

“КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Сеул шаҳрида ўтган “Корея Республикаси — Марказий Осиё” 13-ҳамкорлик форумида иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон, Корея Республикаси, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари пандемия шароитида мамлакатлар барқарорлиги ва изчил ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ устувор йўналишлар ҳамда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилди.

Форумда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликка асосланган адолатли глобал тизимни шакллантириш орқали коронавирус инфекциясига қарши биргаликда курашиш, даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда янги эпидемиологик-санитар

стандарт ва қоидаларни жорий этиш бўйича ахборот алмашишни давом эттириш зарурлигини қайд этди. Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш тизими ва иқтисодий жараён ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббусининг концептуал аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

доривор ўсимликларни етиштириш, илмий-ишлаб чиқариш кластерлари фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади; доривор ўсимликларни кластер ва кооперация усулида етиштириш бўйича халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган аниқ лойиҳалар Марказ томонидан тижорат банкларига тақдим этилади.

4. Белгилансинки:

Марказга ташқи ва ички бозор талаблари ҳамда маркетинг натижаларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар **доривор ўсимликлар экинларини жойлаштириш бўйича** Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ва Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасига **таклифлар киришти хуқуқи берилади**;

доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш), уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар берганлик, аризаларни кўриб чиққанлик учун ундирилиб, маҳаллий бюджетга йўналтириладиган тўловларнинг **20 фоизи** Марказ томонидан табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун йўналтирилади;

Марказ амалга оширилган чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифларни **ҳар чорақда** тааллуқлилигига қараб Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига тақдим этиб боради.

5. Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказига **1-иловага** мувофиқ рўйхатдаги муассасалар услубий ва амалий ёрдам бериш учун бириктирилсин.

Бунда, ҳар бир муассаса табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик майдонлари ва кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва ишланмалар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

6. Марказ Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахманов), Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда:

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилган доривор ўсимликларга доир илмий тадқиқотлар, янги инновацион ишланмалар бўйича маълумотлар базасини шакллантирсин, шунингдек, уларнинг тизимли равишда янгиланган борилишини таъминласин;

тиббиётда ва халқ табобатида фаол қўлланиладиган доривор ўсимликлар коллекцияси участкаси ва генбанкни ташкил этсин;

Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хомашёси ва улардан олинанидан маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этсин. Бунда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан Жаҳон банкининг

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган кредит маблағларидан мазкур лабораторияни ташкил этишга йўналтириш чораларини кўрсин.

7. Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

доривор ўсимликлар соҳаси бўйича ривожланган давлатларга мутахассисларни ўқитиш учун хорижий стажировкалар ташкил этиш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва улардан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш;

Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев) билан биргаликда доривор ва зиравор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш масалаларига бағишланган халқаро ва республика бўйича конференция ҳамда симпозиумларнинг доимий равишда ўтказиб борилишини таъминласин;

“Ўзстандарт” агентлиги (Д.Н.Саттаров) билан биргаликда Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хомашёси ва улардан олинанидан маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этиш, уни белгиланган тартибда жаҳон стандартларига жавоб берадиган аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили **1 декабрга қадар** келгуси йилда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин.

8. Қўйидагиларнинг:

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Нукус, Ҳўжайли, Қорақўл, Бахмал, Зомин, Китоб, Узун, Бойсун, Бурчмулла, Оҳангарон давлат ўрмон ҳўжаликлари доривор ўсимликларни етиштиришга, Қўйи Чирчиқ ихтисослашган давлат ўрмон ҳўжалигини доривор ўсимликлар уруғ ва кўчатларини тайёрлашга ихтисослаштириш;

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг тегишнча Ғаллаорол, Когон ҳамда Ургут ихтисослашган давлат ўрмон ҳўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги **“Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази”** давлат муассасаси тузилмаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Марказнинг бюджетдан молиялаштириладиган 28 нафар бошқарув ходимларининг штат бирликлари Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги мавжуд штат бирликлари мазбулаштириш ҳисобига шакллантирилади. Бунда Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Марказ таъминоти харажатларини молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2020 йил 26 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

нинг конституциявий ҳуқуқларини англаб етишларида амалий ёрдам бериш, содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йилнинг 9 январь кун “**Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида**”ги фармони мазкур соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унда “Жамиятда қонунларга бўриат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат куришининг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **“шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият”** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилишининг белгиланиши мазкур соҳадаги ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолатдир. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори

ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифода-сидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатуви, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда тартиблилигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи восита саналади. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири бўлиб келган.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади. Бу фуқаролар томонидан амалдаги қонунчиликка юксак ҳурмат, уларга тўлиқ риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ўзаро ҳурматда бўлишни аналтади. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда.

Ҳуқуқий онг — уни англаш демакдир. У амалдаги ҳуқуқий нормаларнинг ташкил то-

пиши, ривожланиши ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратиб беради. Шунинг қайд этиш жоизки, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, маданият, сиёсий партиялар, аънааналар, миллий хусусиятлар ҳуқуқий онг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг қалби, вужудига болалик пайтидан бошлаб одоб-ахлоқ, Конституция, ҳуқуқий норма ва қонун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдириш лозим. Бунда, албатта, жамиятнинг асоси бўлган оиланинг роли ва аҳамияти беқиёс.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билими даражасини уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига қараб аниқлаш мумкин. Ҳозирги кунда аҳолининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда шунингдек, ўз-ўзини бошқариш органларида фаол иштирок этаётганликлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасининг ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Бу эса демократик давлат асосларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани белгисидир.

Интервью

ҚАШҚАДАРЁ ЭЛИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Аҳолига ерлар ажратилиши кўзда тутилган. Бунда манфаатдорлик бирламчи мақсад қилиб олинган.

Қашқадарёда туризмин ривожлантириш бўйича ҳам алоҳида топшириқ берилди. Бунинг учун

20 миллион доллар маблағ ажратилади. Демак, барча инфраструктура яратилади. Сайёҳларга уйларда ҳам хизмат кўрсатиш механизмининг йўлга қўямиз. Бунда силавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилади.



Зойир МИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти ҳокими:

— Президентимизнинг Қашқадарёга ташрифидан кейин маҳалла-маҳалла юриб, тадбиркорлар билан гаплашган ҳолда вилоятдаги ҳопатни ўнлаш юзасидан дастлаб-



Музаффар СОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазир:

— Давлатимиз раҳбари 12-13 ноябрь кунлари вилоятда бўлиб, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Ушунда кўп қаватли уйлар, уй-жой ширкатларини аҳоли ва иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш борасида топшириқлар берилди. Бугунги кунда соҳа-

да бошқарув тизимига янги, профессионал мутахассислар келган. Айни пайтда аҳолига ширкатлар ўрнида бошқарув компаниялари профессионал хизматларни ташкиллаштиради. Бундан ташқари, аҳолига инсон омилисиз ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, биллинг тизимини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Қарши шаҳрида коммунал тўловлар бир тизим ёрдамида амалга оширилади. Қарши шаҳри бўйича аниқланган 30 миллиард сўмдан ортиқ қарздорлиқни бартараф этиш олдимиздаги муҳим вазифа саналади. Утган икки ҳафта давомида мажбурий бадал аҳолимиз томонидан ўз вақтида 100 фоиз тўла-ниб келинапти.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қарши шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда лойиҳа ишларини бошлади. Энг асосийси, утган даврда мутахассислар билан биргаликда изланиб, ва инвестициявий лойиҳасига дастур сифатида ўз таклифларимизни тайёрлаб қўйганмиз. Бугунги кунда Қарши шаҳар аҳолисини безовта қилаётган коммунал сервис хизматлари, умуман, соҳадаги муаммоларнинг тизимли ечимлари ишлаб чиқилмоқда. Биз Президентимиз топширигига асосан ширкатлар билан ишлаш, иссиқлик тизими ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ишларни режаллаштириб олдиқ.

“КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

Бошланиши 1-бетда

Давлат идоралари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳамкорлиқни кенгайтириш долзарблиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчилар эътибори иқлим ўзгариши Марказий Осиё минтақаси барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётганига ҳам қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Орол денгизи қуришининг экологик оқибати, Оролбўйи аҳолисига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак кўрсатилиши механизми таҳлил қилинди.

Форум якунида қўшма баёнот қабул қилинди.

Ташриф доирасида А.Комилов Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлиги Кан Гён Ха билан ҳам учрашди. Ташқи ишлар идоралари раҳбарлари икки томон кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилди, турли даражадаги бўлажак қўшма тадбирларнинг ташкилий жиҳатларини кўриб чиқди.

Корея томони сиёсат, савдо, инвестиция, молия, ахборот-коммуникация, фан ва технология соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик сўраятига юқори баҳо берди.

2019 йил икки томонлама муноса-

батларни алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилиши Ўзбекистон — Жанубий Корея алоқаларининг теран ва узок мuddатли эканлигидан дарак бериши таъкидланди.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир ижтимоий таърибга мамнуфият билан эътибор этилиб, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатини бартараф этиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб олинди.


Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар устувор аҳамиятга эгаллиги қайд этилди. Ўзаро савдонинг аввалги ўсиш суръатини сақлаб қолиш ва маҳсулот айирбошлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажминини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўришдан икки томон ҳам манфаатдор экани билдирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистонда янги тиббиёт муассасалари барпо этиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилиши масаласи кўриб чиқилди.

Вазирлар томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Сайёр қабул

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сайёр қабуллар давомида фуқаролардан ички ишлар, соғлиқни сақлаш тизими, шунингдек, уй-жой, ичимлик сув, йўлларни асфальтлаш, тунги ёриткичлар ўрнатиш каби масалаларда 2017 тадан ортиқ мурожаат келиб тушди. Очiq мулоқот тарзида ўтган сайёр қабулларда жами 2 004 нафар фуқаронинг мурожаати ўрганилди. Уларнинг 793 таси ижобий ҳал қилиниб, 177 таси бўйича қонунчилик талаблари доирасида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Қўшимча ўрганиш ва мuddат талаб этиладиган 887 та мурожаат юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди ва ижро учун назоратга олинди.

Таъкидлаш жоизки, сайёр қабулларда мурожаатларни кўриб чиқишда узоқ вақтдан буён ечимини топмаётган муаммоларни ҳал этишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Президент Администрацияси, Миробод тумани сектор раҳбарлари, Халқ қабулхонаси иштирокида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали биносида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулда хаста фарзандни улғайтираётган мирободлик Зиеда опа Норбосунованинг муаммосига ҳам ечим топилди.

— Она учун фарзандини бетоблигини кўришдан оғирроқ ташвиш, дард бўлмаса керак, — дейди Зиеда Норбосунова. — 2019 йил туғилган фарзандим Темура бопалар церебрал фалажи ташхиси қўйилган. Хали мурғак ёшдаги болани оғир хасталик қийнамоқда. Уни даволатиш учун бормаган жойим қолмади. Муолажалар, дори-дармон нархи жуда қimmat. Яқинда хусусий клиникага олиб бордим, зарур дориларни ёзиб беришди. Уни олишимиз керак. Ўзим ҳеч қаерда ишлайман. Турмуш ўртоғимнинг кунлик топгани рўзгорни тебратишга аранг етади. Шу боис Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори-дармонлар билан таъминланиши айтилди. Менинг дардимга қулоқ тутиб, фарзандимни шифо топишга қумаклашмоқчи бўлган ҳамда бу хайрли ишни бошида турганларга миннатдорлигини билдираман.

— Ен-атрофингда тинчлик, ҳаловат бўлмаса, хотиржам яшаб бўлмас экан. Ўз уйингда ҳам ҳордиқ чиқара олмас экансан киши, — дейди Миробод тумани Чимкент кўчасида яшовчи Алина Маннопова. — Ишдан уйга қарчаб келиб, оиламиз бағрида ором оламиз десак, тунги шовқин-сурондан тинчимиз йўқолиб, ухлай олмаймиз. Чунки биз яшайдиган уйнинг ёнида “ВАН МОР” тунги клуби жойлашган. Клубда кўпинча туннинг яримида ҳар

хил бақир-қақирлар, уруш-жанжаллар бўлади. Бундан нафақат фарзандларимизнинг уйқуси бузилади, балки биз катталарнинг ҳам асабларимиз таранглашади. Шу боис, аҳоли тинчлигини бузаётган бу клубни кўчириш ёки ёпиш ҳақида мурожаат қилдик. Айни пайтда ички ишлар ходимлари томонидан тунги рейд ўтказилиб, мурожаатимиз асослиги исботланса, унинг фаолияти тўхтатилиши тушунтирилди.

Тадбирда фуқаролардан паспорт тизими масалаларига оид ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушди.

— 1952 йили Қозоғистон Республикасида туғилганман, лекин болалигимдан шу ерда яшаб келаман, — дейди Миробод тумани “Истиклолобод” маҳалласида яшовчи Мавлуда Олмасова. — Кўп йиллар давомида давлат ташкилотларида ишладим. Фуқаролигим бўлмагани учун айрим пайтларда тўсиқларга ҳам учраганман. Президент сайловлари, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловларда қатнаша олмадим. Бугун кўп йиллик армоним ушалди. Ички ишлар ходимлари хонадонимга келиб, фуқаролик паспортимни қўлимага топширди. Шунини айтишим керакки, ногиронлигим туфайли аввал ҳам уларга тиббий мослама оlishда ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган эдим. Улар ногиронлик аравачаси ва қулоқ мосламаси билан таъминланишимда қумак кўрсатишганди. Миробод тумани ички ишлар ходимлари фуқаролик паспортимни олиб келиб, тантанали топширгани эса янада қувонтирди. Бунинг учун Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарларига миннатдорлигини билдираман. Халқнинг дарду ташвишини эшитиб, улар қорига ярашдек хайрли ишларга бел боғлаган бу азиз инсонлар ҳамиша омон бўлишсин!

Миробод туманида бўлиб ўтган сайёр қабул давомида 137 нафар фуқародан мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 53 таси ижобий ҳал қилиниб, 8 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ҳамда 6 тасига тушунтириш берилди. Шунингдек, 70 та мурожаат ижро учун назоратга олинди.

Юнусобод туманидаги сайёр қабулда 4 та сектор раҳбари — туман ҳокими, туман прокурори, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, туман солиқ идораси раҳбари ўзларига бириктирилган маҳаллалардан келган мурожаатчилар билан шахсан бирма-бир суҳбатлашди.

— Турмуш ўртоғим билан туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эдик. Мана, бугун орзуимиз амалга ошди, — дейди Шахло Мавлонова. — Турмуш ўртоғим Шухратхўжа Мавлонов билан 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида шу юрда меҳнат қилиб, яшаб келамиз. Бироқ фуқаролигимиз йўқлиги кўнглимизда хижиллик уйғотарди. Бугун бизга тантанали равишда фуқаролик паспорти топширилди. Тўғриси, кўп йиллик орзуимиз армонга айланмаганидан беҳад қувондик.



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

Тошкент молия институти биносида ўтказилган сайёр қабулда Юнусобод туманидаги кўплаб муаммоларга ечим топилди. Жумладан, 176 нафар фуқаронинг мурожаатидан 73 таси ижобий ҳал этилди. 6 та мурожаатга эса ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 19 та мурожаат юзасидан тушунтиришлар олиб борилди. Шунингдек, 78 та мурожаатда қайд этилган масалалар ижро учун назоратга олинди.

Шу ўринда айтиш лозимки, айрим фуқароларимиз иложсизлик, эътиборсизлик, ижтимоий шароити оғирлиги, ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги ва бошқа кўплаб сабаблар билан ўз вақтида ҳуқуқларидан фойдалана олмаган. Натижада йиллар давомида муаммолар йиғилиб, нафақат ўзи, балки оила

аъзоларининг ҳам сарсонгарчилиқда, қийинчилиқда кун кечиришига сабабчи бўлган.

— 20 йилдан буён Машинасозлар кўчасидаги 1-ётоқхонада рўйхатдан ўтмасдан ижарада яшайман, — дейди Гулчехра Ҳошимова. — Ҳозир 61 ёшдаман, 41 йиллик меҳнат стажига эгаман. Бироқ ҳамон эски паспортда юрибман. Шу боис, пенсиямни ҳам расмийлаштира олмадим. Юнусобод тумани “Боғибустон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ёқут Аъзамхўжаеванинг йўл-ўриғи ва кўмаги билан Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим. Ҳозир туман ҳокими қабулида бўлдим. Мурожаатимдаги барча масалаларим ечимини топди. Яъни пенсиям расмийлаштирилиб, доимий рўйхатга қўйилиб, энг асосийси, янги паспорт оладиган бўлдим.

— Уйимизда 5 киши яшаймиз. Яқинда кекса онам коронавирусга чалиниб қолди. Онам касалхонадан соғайиб уйга қайтган, унинг парваришига алоҳида эътибор қаратаётган эдим,

— дейди Юнусобод тумани “Мингчинор” маҳалласида яшовчи Гулноза Тулаганова. — Шу боис, уйни иссиқ сақлаш мақсадида электр печини ёқиб қўйган эдик. 19 ноябрь кунки кечки пайт уй юмушлари билан банд эдим. Бирдан печкадан ўт чиқиб, ёнғин содир бўлди. Уйдан онам ва қизимни олиб чиқиб улгурдим. Бироқ қўни-қўшнилар, ёнғин хавфсизлиги ходимлари келгунча қадар уйимиз ўт ичиде қолди. Уйимдаги барча жиҳозлар, мол-мулким ёниб кетди. Ҳозир уйимиз ярқисиз ҳолга келиб қолгани боис онамни синглимникида қолдириб, турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан ижарага чиқдик. “Ўз уйинг — ўлан тушагинг”, дея бежизга айтилмаган. Бировникида туриш ҳам ортиқча сарф-харажат талаб қилади, ҳам ноқулайлик туғдиради. Уйни таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб “Мингчинор” маҳалласи раиси билан биргалиқда туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Мурожаатим қаноатлантирилди. 50 миллион сўм пул маблағи пластик карточкамга ташлаб бериладиган бўлди. Бу хайрли ишдан бошим кўкка етди. Айни қиш пайти бўлса, оилам билан ижарада туришга анча қийналаётган эдик. Бизни аҳволимизни тушуниб, дарду ҳолимизни эшитган, оиламизни бу тушқунликдан олиб чиқиш учун яқиндан ёрдам кўрсатган барча яхши инсонларга ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

Туманнинг “Мингчинор” маҳалласида яшовчи Раҳим ака Икромовнинг хонадонида уч ака-ука ва уларнинг оила аъзолари қийналиб яшайди. Раҳим аканинг иккала укаси руҳий хаста бўлгани сабабли эътибор ва кўмакка муҳтож. Улар яшаб турган уй эса бобосидан мерос. Бобоси оламдан ўтгани боис, мерос уйни набиралар номига расмийлаштириш борасида қийинчилик туғилаётган эди. Раҳим аканинг идорама-идора ҳужжат кўта-

Миробод туманида бўлиб ўтган сайёр қабул давомида 137 нафар фуқародан мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 53 таси ижобий ҳал қилиниб, 8 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ҳамда 6 тасига тушунтириш берилди. Шунингдек, 70 та мурожаат ижро учун назоратга олинди.

риб сарсон бўлишига бу гал чек қўйилди. Бобомерос уй Р.Икромов номига расмийлаштирилмаган бўлди, унинг ёрдамига муҳтож укаларини ўзаро келишган ҳолда алоҳида уй-жойга кўчиб чиқишга қумаклашиш “Мингчинор” маҳалласи масъуллари зиммасига юклатилди.

Тошкент молия институти биносиде ўтказилган сайёр қабулда Юнусобод туманидаги кўплаб муаммоларга ечим топилди. Жумладан, 176 нафар фуқаронинг мурожаатидан 73 таси ижобий ҳал этилди. 6 та мурожаатга эса ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 19 та мурожаат юзасидан тушунтиришлар олиб борилди. Шунингдек, 78 та мурожаатда қайд этилган масалалар ижро учун назоратга олинди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этилган сайёр қабуллар халқ манфаати йўлида хизмат қилаётир. Асосийси, улар аҳоли мурожаатларини ўрганиб, шикоятларда келтирилган муаммоларнинг ечимини топиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига доир ва бошқа кўплаб масалаларни ижобий ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Семинар

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚУЛАЙ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Транспорт воситалари ҳаракатланадиган кўчалардаги узундан-узу тирбандликлар аксарият пойтахт шаҳарларга хос. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ҳам бу одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бу бевоcита аҳоли ва автомобиллар сони ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашуви натижасида транспорт тизимига тушадиган юклама ортиши билан боғлиқ.

Биргина мисол. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага ошган бўлса, ҳар кун пойтахт кўчаларига чиқадиغان транспорт воситалари 600 мингга ташкил этмоқда. Шунга мос тарзда транспорт инфратузилмаси ривожланиб борапти, аммо йўл ҳаракатини тартибга солиш тизимида ечимини кутаётган муаммолар етарлиқ.

Давлатимиз раҳбари ҳорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрида жамоат транспорт тизими ва инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича топшириқ берган эди. Жорий йилнинг 23 ноябрь кунги Президентининг Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга

оид концепция тақдими томонидан танишди. Тошкент давлат транспорт университетида Транспорт вазирлиги, вилоят, шаҳарлар ҳокимликлари вакиллари ҳамда олимлар иштирокида ўтган семинар ана шу концепция муҳокамасига бағишланди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Туркиянинг “Калён” инжиниринг компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномаси асосида ишлаб чиқилган пойтахт кўчаларининг транспорт мастер режаси намойиш этилди. Уни ишлаб чиқишда, аввало, геоахборот тизими орқали транспорт ва йўловчилар оқими таҳлил қилиб, автомобилларга юктамалар тушириши мумкин бўлган барча объектларнинг ягона географик маълумотлар тизими базаси яратилгани таъкидланди. Аҳолининг асосий ҳаракатланиш йўналишлари рақамли ягона базага киритилди.

— Лойиҳанинг асосий мақсади катта шаҳарларда транспорт ҳаракати ортиси натижасида юзага келадиган муаммоларнинг илмий ечимини топишга қаратилган, — деди Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт муаммоларини ўрганиш маркази директори Мурод Обидов. — Шу аснода аҳоли учун сифатли ва қулай транспорт тизимини жорий этиш бўйича бир қатор тақлифлар ҳам ишлаб чиқилди. Масалан, жамоат транспорт йўналишларини 3 тоифа — етказиб берувчи (7 километрга), боғловчи (15 километрга) ва магистрал (15 километрдан ортиқ) га ажратиш ҳамда уларни мавжуд ва истиқболдаги метро бекатларига боғлаш. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида тўлов таърифлари ҳам уйланди. Шу орқали адолат тизими ўрнатилиб, йўловчилар ҳаракатланган масофаси асосида белгиланган тўловни амалга оширади.

Концептуал моделга кўра, Тошкент шаҳридаги метро линиялари бормаган 7 та асосий кўчадан марказга кириб келувчи магистрал йўналишлар

тармоғи шакллантирилади. Слайд ёрдамида ушбу нуқталар экранда намойиш қилиниб, уларга олиб чикувчи кичик йўналишлар ҳам жорий этилиши айтилди.

Жараёнда, шунингдек, 200 та йирик чорраҳадаги мавжуд юктамалар таҳлил қилиниб, уларнинг архитектураси ва светофорлар фазасини ўзгартириш, моделлаштириш орқали уларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, йўл белгиси, йўл кўрсаткичларини ўрнатиш, светофорлар фаолиятини ўзгартириш концепциялари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур ишлар давомида 600 километрлик автомобиль йўллари ўрганилиб, уларда 7 256 та йўл белгиси, 1 224 та светофор, 598 та пиедалар ўтиш жойи, 59 та ер ости ва 7 та ер усти ўтиш жойи, 1 900 та автобус оралиқ бекати, 20 та кўприк ва йўл ўтказиш борлиги аниқланди.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони — белгиланган 7 та кўчада автобуслар ҳаракатланиши учун махсус йўлаклар яратилади. Ҳориж тажрибасида оммалашган тизим кўчалардаги ҳар қандай тирбандлик шароитида йўловчиларни манзилига қисқа вақтда етказиб қўйишни таъминлайди. Ҳозир янги таъмирланаётган йўллар, хусусан, Фаргона йўли кўчасида автобуслар учун йўлак қуриш ишлари бошланган. Мутахассислар келаси йилдан бу ишларни жадаллаштириб, 4 та алоҳида йўлак орқали шаҳар четларини марказга боғлайдиган йўналишларни жорий этишни режалаштирган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали йўналишдаги автобусларнинг ҳаракатланиш тезлиги 25 фоиз оshиб, жамоат транспортда энг узоқ магистрал йўналиш бўйича ҳаракатланиш ўртача 45 фоизга қамаяди.

Семинарда лойиҳа тақдимотини намойиш этган туркиялик мутахассис, “Калён” компанияси раҳбари Жихат Калёнжўлғу яратилган концепция бир қанча йўналишларни қамраб олиши ва уларнинг барчаси



бир-бирига боғлиқлигини таъкидлади.

— Биз 25 кишидан иборат жамоамиз билан бир йилдан буён Тошкентда ана шу лойиҳа устида ишляпмиз, — деди Жихат Калёнжўлғу. — Бу ерда биринчи дуч келган муаммомиз Тошкент шаҳридаги 14 та туман ва бутун республикада йўл-кўчаларга оид маълумотларнинг рақамли эмаслиги бўлди. Шу боис, ишни аввало Географик маълумотлар тизимини яратишдан бошладик. Кейин шаҳар транспортидан фойдаланиш тизими, велосипед йўлаклари, чорраҳалар дизайни, автомобиль тўхташ жойлари муаммоси, юк ташиш ва автоматик тўлов тизими,

таксилар бошқаруви, BRT (тезюрар автобус ташуви) тизимини ишлаб чиқишга киришдик. Ҳозирга қадар сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, қисқа вақт ичиде 13,9 километр узунликда велосипед йўллари қурилди.

Белгиланган вазифаларни тўлиқ ижро этиш учун жаҳон тажрибасидаги каби барча транспорт воситаларини ягона бошқарув тизими назорат қилишга тўғри келади. Шу боис, “Тошхартрансхизмат” ҳамда “Тошкент метрополитени” корхоналари бирлаштирилиб, Тошкент шаҳри транспорт бошқармаси бошқарувига берилиши қўзда тутилган.

